Чоршанба	1	03-38	05-38	14-20	20-16	22-30	00-00
Пайшанба	2	03-41	05-41	14-20	20-14	22-28	23-58
Жумъа	3	03-44	05-44	14-20	20-12	22-26	23-56
Шанба	4	03-46	05-46	14-20	20-10	22-23	23-53
Якшанба	5	03-49	05-49	14-20	20-08	22-20	23-50
Душанба	6	03-51	05-51	14-20	20-06	22-18	23-48
Сешанба	7	03-53	05-53	14-20	20-04	22-15	23-45
Чоршанба	8	03-55	05-55	14-20	20-02	22-12	23-42
Пайшанба	9	03-58	05-58	14-20	20-00	22-09	23-39
Жумъа	10	04-00	06-00	14-20	19-58	22-07	23-37
Шанба	11	04-03	06-03	14-20	19-56	22-04	23-34
Якшанба	12	04-05	06-05	14-20	19-54	22-01	23-31
Душанба	13	04-08	06-08	14-20	19-52	21-58	23-28
Сешанба	14	04-10	06-10	14-20	19-50	21-56	23-26
Чоршанба	15	04-12	06-12	14-20	19-49	21-53	23-23
Пайшанба	16	04-15	06-15	14-20	19-48	21-50	23-20
Жумъа	17	04-17	06-17	14-20	19-47	21-47	23-17
Шанба	18	04-20	06-20	14-20	19-46	21-45	23-15
Якшанба	19	04-22	06-22	14-20	19-45	21-42	23-12

Носавдо ташкилотга юристлар, таржимонлар (ўзбек, тожик, қирғиз тилидан) журналистлар ва кўнгилли (волонтёр)лар ишга таклиф этилади. Қабул танлов асосида амалга оширилади. Рус тилини билиш талаб этилади. Шунингдек, ўзбек, тожик, қирғиз тилларини билиш, ҳамда меҳнат мухожирлиги соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши маъқулланади. МДҲ давлатлари фуқаролари ҳам қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 8 (812) 309-73-06

Қирғизистон ва Россия давлатлари Ҳукумат раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди

Россия Ҳукумат раиси Дмитрий Медведев ва Қирғизистон бош вазири 24 июл куни Подмосковьеда учрашув ўтказдилар. Учрашув давомида ўзаро суҳбат Қирғизистонни Россия олдидаги давлат қарзи борасида кечди. Кутилишича, қарздорликни тартибга солиш бўйича аввал келишиб олинган режалар ва оқилона ёндошувлар амалга оширилади. Медведевнинг таъкидлаб ўтишича, бу соҳада олдинга силжишларни мавжуд эмаслиги, ҳамкорликдаги кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бабанов ўзини россиялик ҳамкасбини ишонтиришича. Қирғизистон учун ечими йўқ масалани ўзи мавжуд эмас ва шу масалаларни баъзиларини ушбу иш сафари мобайнида ҳал этиш нияти борлигини таъкидлаб ўтди. ҚР бош вазири, шунингдек, маълум қилишича, Божхона Иттифоқига қўшилиш жараёни бошланди.

Темир йўл қурилиши бўйича Эрон ўз қарорида қатъий турибди

Эрон-Афғонистон-Тожикистон-Қирғизистон-Хитой йўналиши бўйлаб темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича қирғиз ҳудудидаги йўлни барпо этиш учун Эрон молиялаштиришга тайёр эканлигини билдирмоқда. Бу ҳақда Эроннинг Қирғизистондаги элчиси Манучехр Моради маълум қилган. Эронлик дипломатнинг таъкидлаб ўтишича, Афғонистоннинг Герат провинциясида темир қўл қурилиши масалалари бўйича йиғилиш ўтказилиб, ушбу йиғилишда тўрт давлат вакиллари иштирок этганлар. Эрон, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари, бундай йўлни барпо этиш зарурлиги тўғрисида ягона келишувга келдилар, деб маълум қилди элчи.

Қирғизистон ҳудудидаги йўлни барпо этиш учун Эрон молиялаштиришга тайёр эканлигини билдирмоқда

«Қирғизистонни дунё океанига тўғридан-тўғри йўлга эга эмаслигини қайтаришнинг зарурияти йўқ. Қирғизистон товарларни экспорт ва импорт қилиш учун қўшни давлатлар хизматларидан фойдаланишга муҳтож бўлмоқда. Комиссия доирасида томонлар темир йўл соҳасидаги ҳамкорлик билан биргаликда, йўл юк ташуви масалалари бўйича ҳамкорлик қилишни ҳам мухокама этдилар,- дейди Манучехр Моради. – Айнан темир йўл ҳамкорлиги бўйича йиғилиш доирасида эронликлар томони Эрон-Афғонистон-Тожикистон-Қирғизистон-Хитой темир йўл бирлашмасини кўриб чиқмоқда».

Қирғизистонни МДБ Екатеренбургда ўз ваколатхонасини очади

Қирғизистон мусулмонлар диний Бошқармаси Екатеренбург шаҳрида ўз ваколатхонасини очишни режалаштирмоқда. Ушбу ваколатхона, Екатеренбург шаҳрида истиқомат қилувчи қирғизистонликларни сўровига биноан очилмоқда. Расмий вакил сифатида «Аль-Азхар» битирувчиси Эрназар Асатов юборилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, бундан уч йил муқаддам Россия пойтахти Москва шаҳрида ҳам ҚМДБ нинг ваколатхонаси очилган эди. Вакил сифатида Максат Канкыбаев тайинланган эди.

Мамлакат ташқарисида ташлаб кетилган болаларни қайтарилиши

Ҳозирга вақтда хорижий давлатларда, шу жумладан Россияда ота-она қаровисиз ва боқувисиз қолиб кетган қирғиз болаларининг сони жуда кўп. ҚР Ҳукумати чет давлатларда қаровсиз қолиб кетган қирғиз болаларини қайтариш учун 1 миллион сом маблағ ажратишни режалаштирмоқда. Ушбу маблағлар Ҳукуматни заҳира фондида ажратилади.

Болаларни Қирғизистонга қайтариш тўғрисидаги қарор, Россия Федерациясидаги даъволаниш муассасаларида Қирғизистонлик мухожирлар томонидан ўз фарзандларини ташлаб кетиш ҳолатлари кўп кузатилаётганлиги сабабли қабул қилинмоқда.

Петербургда энди очиқ бозорлар бўлмайди

Июль ойини бошидан бошлаб, Петербургда қишлоқ хўжалигига таалуқли бўлмаган барча бозорлар тўлиқ таъмирланган иншоотларга кўчишни бошлади. Янги Федерал қонун нуқтаи-назаридан, буюмлар ва маиший товарлар билан савдо қилувчи савдо нуқталари, энди очиқ осмон остида савдо қила олмайди. Томсиз савдо нуқталарида мева ва сабзавотларни сотишга ҳозирча рухсат берилган, бироқ фақатгина 2015 йилгача. Шундай кейин барча қишлоқ хўжалик бозорлари айнан шулар учун мўлжалланган махсус биноларга кўчирилиши керак. Бундай расмий савдо нуқталари ҳозирда иккита-бири Красносельский туманидаги «Лигово» темир йўл бекатида, иккинчиси эса Северной проспектида жойлашган.

Янги қонунга қарамасдан, «Удельная» метро бекатидаги ва бошқа жойлардаги савдо майдончалари, ҳозирча тегилмайди. Бу жойлар расмий ҳужжатларда «вақтинчалик истеъмол бозорлар объектларига майдон тақдим этиш учун ер участкалари» сифатида кўрсатилган бўлиб, шу боисдан ҳам уларнинг фаолияти аввалдагидек давом эттирилади. Бундан ташқари, 271-сонли Федерал Қонун бозорлар ҳудудидан ташқарида жойлашган очиқ палаткаларни назарда тутмайди.

Петербургда Стив Джобсга аталган ҳайкал ўрнатилади

Ҳозирда Apple асосчисига бағишланган ёдгорлик ҳайкалини энг яхши концепцияси учун танлов эълон қилинди. Бу ҳар қандай ғоя бўлиши мумкин: классик кўринишдаги ҳайкалдан тортиб, электрон хотира доскаси кўринишида бўлиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун аризалар 6 августга қадар қабул қилинади, ғолиблар эса, 2012 йилнинг 10 августида эълон қилинади.



Стив Джобсга аталган ҳайкал Петербургда ўрнатилади

«Петербург одатга кўра, Россиянинг ахборот технологиялари маркази ҳисобланади. Бу ерда энг машҳур университетлар фаолият юритади, дастурлаш мактаби Россиядаги энг илғор мактаб деб тан олинган, Петербург олийгоҳлари талабалари, мунтазам равишда дастурлаш бўйича халқаро мусобақалар катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Facebook ижтимоий тармоғининг Россиядаги ягона рақобатчиси бўлган «ВКонтакте» тармоғи ҳам Петербургда жойлашган. Айнан шунинг учун ҳам биз Петербургни нафақат Шимолий пойтахт деб, балки шу билан биргаликда Россияни IT-пойтахти деб ҳам аташ мумкин», -деб таъкидлаб ўтдилар «Фонд прогресс ИТ» компанияси вакиллари.

Петербург маркази ЮНЕСКОни бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилиши мумкин

ЮНЕСКО ўзини келгуси сессиясида Санкт-Петербург шаҳрини тарихий марказини бутунжаҳон меросларр рўйхатига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши мумкин, деб хабар қилди Халқаро ташкилот қошидаги РФ доимий вакиласи Элеонора Митрофанова.

Митрофанованинг тушунтириб ўтишича, агарда Санкт-Петербург шаҳрининг тарихий маркази бутунжаҳон меросларр рўйхатига «шаҳардаги мавжуд ҳайкаллар билан биргаликда» киритиладиган бўлса, «бу шу жумладан, марказда қурилиш ишларини олиб бориш мумкин эмас деганини англатмайди». Унинг сўзларига кўра, Петербург марказида тарихий ҳайкаллардан ташқари бошқа кўплаб объектлар жойлашган бўлиб, улар маданий аҳамият касб этмайди.

Банк тизимини барқарорлиги

Standard and Poor's Халқаро рейтинг агенстваси ДК «Халқ Банки» ни халқаро кредит рейтингини B+/ B даражасида «Барқарор» таҳлили билан тасдиқлади. Standard and Poor's халқаро ташкилоти таҳлил билан шуғулланувчи мутахассислари Ўзбекистон банклари фаолиятини, мамлакат ҳукуматини давлатни молиявий тизимини мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган мақсадли сиёсатини яна бир бор изчил ўрганиб чиқиб, шунингдек, банк фаолиятини, стратегик йўналишларини ва 2011 йил бўйича олинган натижаларни тўлиқ таҳлил этиб чиқиб, ДК «Халқ Банк» га нисбатан ўз баҳосини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки-бу мамлакатни йирик ва кўп тармоқли универсал банки ҳисобланиб, Республика аҳолисини барча қатламларини, мамлакатда фаолият юритаётган кредит муассасалари, корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи банклардан биридир. Банк таркибига 14 та ҳудудий, 184 та туман (шаҳар) филиаллари, 270 та мини-банклар ва 3,5 мингдан ортиқ бўлинма ва махсус кассалар киради. Натижалари бўйича, бугунги кунда ушбу банк, мамлакатни тизимли молиявий институтларидан бири бўлиб, кўрсаткичлари бўйича, яъни: филиал тармоқлари сони, жисмоний шахсларга берилган кредит сиғими ва аҳоилини омонат миқдори бўйича Ўзбекистон Республикасидаги банк тизимларини ичида мутлақо етакчи тизимлардан бири ҳисобланади.

Анастасия Журавлева Польшада ўтказилган турнирда учинчи ўринни эгаллади

Польшада якунланаётган халқаро турнирда ўзбекистонлик енгил атлетикачи Анастасия Журавлева учлама сакрашда 13,9 метр натижани қайд этиб, учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Спортнинг ушбу тури бўйича олтин ва кумуш медалларни россиялик спортчилар Олеся Забара (14,48 м) ва Екатерина Каюкова (14,07 м) кўлга киритишди.

Ўзбекистон-Жанубий Корея бизнес форуми

Жорий йилнинг июль ойи бошларида Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Ушбу бизнес-форумда икки давлатнинг савдо-сотиқ, инвестиция, энергетика, машина – қурилиш ва ахборот технологиялари соҳаларига таалуқли бўлган вазирликлар, идоралар, компания ва муассасалар раҳбарлари ва вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик босқичма-босқич ривожланиб бормоқда

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Бахром Ашрафханов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентстваси директори Мин Хюн Чжон сўзга чиқиб, алоҳида таъкидлаб ўтдиларки, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Бу жараённи муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб, икки давлат раҳбарлари учрашуви давомида имзоланган келишувлар хизмат қилмоқда. Алоҳида тўхталиб ўтилишича, ўтказилаётган ушбу бизнес-форум савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни, давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалаларини келажакда янада тараққий эттириш бўйича янги имкониятларга йўл очиб бермоқда.

Айни вақтга келиб, Ўзбекистонда Жанубий Корея инвестициялари иштирокида 350 дан ортиқ корхоналар ташкил қилинган, ушбу мамлакат компанияларининг саксондан ортиқ ваколатхоналари очилган. Шу жумладан, Навоий шаҳри ҳудудидаги фаолият юритаётган халқаро аэропортдаги «Кореан Эйр» авиакомпанияси алоҳида эътиборга молик бўлмоқда.

Замин барои хоҷагидорони тоҷик

Наздики 600 гектар замини мутобиқ барои кишту кор ахиран ба ҷамъияти Санкт-Петербургии дустии халқҳои тоҷику руси ба номи «Сомониён» супорида шуд. Тибқи суханони консули фахрии Тоҷикистон дар Санкт-Петербург Муҳаммадназар Мирзода, ин замин аз ҷониби раёсоти вилоёти Ленинград ва Новгород барои истифодаи дарозмуддат бо пардохти андози минималӣ ҷудо карда шудааст. Консули фахрӣ меафзояд, ин қитъаи замин барои бунёди хоҷагии деҳқонӣ истифода хоҳад шуд. Ин минтақа барои кишту кори сабзавот ва чорводорӣ мувофиқ буда, муҳоҷирони меҳнатие, ки хоҳиши дар инҷо иштиёқи кор карданро доранд, имконият пайдо мекунанд, ки дар ҳаҷми 15 ҳазор рубли русӣ қарз дарёфт кунанд ва ҳуҷҷатҳои лозимии буду бошро омода намоянд.

«Дар ин хоҷагиҳо даҳҳо муҳоҷири Тоҷикистон ба кор пазируфта хоҳанд шуд. Таҷрибаи ба ин монандро мо аллакай дорем. Дар вилояти Ленинград аз чанд сол инҷониб корхонаи тавлиди гушт, ҳасиб ва маводи ширӣ, ки аз ҷониби соҳибкорони тоҷик таъсис ёфтааст, фаъолият мекунад. Онҷо ҳамватанони мо ба кор пазируфта шудаанд», – изҳор медорад Мирзода.

Оташбас дар Хоруғ

Президенти Тоҷикистон Эмомалӣ Раҳмон дар мавриди оташбаси қатъӣ дар Хоруғ қарор қабул кард, аммо амалиёти вижаи низомӣ ҳамоно идома дорад. Дар ин бора раиси Вилояти Мухтори кӯҳистони Бадахшон Қодири Қосим зимни мулоқот бо фаъолони вилоят хабар додааст.

Амалиёти вижа дар Бадахшон 24 июл дар робита ба куштори раиси бахши Бадахшонии Кумитаи давлатии амнияти миллӣ, генерал-майори 56 сола Абдулло Назаров оғоз гардид. Дар марги генерал-майор мақомот гурӯҳи муташаккилеро гумонбар медонад, ки ин гурӯҳро муовини сардори отряди сарҳадбонии Ишкошим Толиб Айёмбеков раҳбарӣ мекардааст. Гуфта мешавад, ба маҳзи оғози амалиёт Толиб Айёмбеков ба сарҳади Афғонистон паноҳ бурдааст. Тибқи иттилои расмӣ дар пайи амалиёт дар Хоруғ 42 нафар ба ҳалокат расидааст: аз он ҷумла 30 нафар аъзои дастаи муташаккил ва 12 нафар намояндагони мақомоти қудратӣ.

Шаҳрвандони Тоҷикистон дар Петербург ба эътироз баромаданд

Ахиран як гурӯҳи шаҳрвандони Тоҷикистон, иборат аз даҳҳо нафар дар Санкт-Петербург, дар назди Гостиний двор бо нишони эътироз алайҳи амалиёти ҳарбӣ, ки дар Хоруғ мегузарад, ҷамъ омаданд. Иштирокчиёни ҷамъомади эътирозӣ бо навиштаҳои пурранги «Барои сулҳу субот дар сарзамини Тоҷикистон!» ва «Амалиёти ҳарбии зидди халқи худро қатъ кунед!» диққати роҳгузаронро ҷалб мекарданд.

«Мо – зодагони Бадахшони кӯҳии Ҷумҳурии Тоҷикистон аз амалиёти ҳарбии мақомот ва сохторҳои қудратии Тоҷикистон хеле нигарон ҳастем, – изҳор доштанд онҳо. – Нируҳои ҳукуматӣ амалиёти низомии густардаеро дар қаламрави шаҳри Хоруғ – маркази маъмурии Бадахшони кӯҳӣ оғоз карданд. Аммо бо ин ҳол сокинони осоиштаро аз минтақа набаровардаанд: кӯдакон, занҳо ва пиронсолон дар минтақаи баргузории амалиёти низомӣ боқӣ мондаанд».

Маврид ба зикр аст, ки идеяи баргузории таҷамӯи эътирозӣ ба таври худҷӯш пайдо гардид, ин иқдом бо мақомоти маҳаллӣ мувофиқа нашуда буд, вале мақомоти ҳифзи ҳуқуқи Русия монеъи баргузории он нашуданд.

Дар Суғд мусобиқаи Осиё оид ба муҳорибаи муштзанӣ оғоз ёфт

Дар вилояти Суғд, шимоли Тоҷикистон, мусобиқаи Осиё оид ба муҳорибаи муштзанӣ оғоз ёфт. Мусобиқа дар Суғд барои бори нахуст бо иқдоми Федератсияи байналхалқии муҳорибаи муштзанӣ доир мегардад. Толори варзишии «Чемпион» дар ноҳияи Ҷаббор Расулови вилояти Суғд 170 иштирокчӣ ва бештар аз 300 мухлисро ҷамъ овард.

«Ба мусобиқа намояндагони 5 кишвари Осиёи Марказӣ: Тоҷикистон, Узбакистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қазоқистон ташриф овардаанд», – изҳор медорад шореҳи варзиш аз шаҳри Хуҷанд Генаддий Набиев. Ӯ ҳамчунин изҳор медорад, ки варзишгарон аз рӯи 27 дараҷаи вазн қуваозмоӣ мекунанд.

Россиянинг мухожирлик хабарлари

Қонун ва тартиб

Ҳурматли муштарийлар, биз газетамизнинг ҳар бир сонида мухожирлик борасида содир бўлаётган нохуш хабарларни чоп этиб келмоқдамиз. Бундан кўзлаган бош мақсадимиз, сизларни кўнглизни огритиш ёки бошқа ғараз ниятимиз йўқ. Аксинча, бу ҳодисалардан сизлар ўзларингизга тегишли хулоса чиқариб, келажакда қонун ва қоидаларга риоя этиб, муаммосиз тинч-осойишта яшаб, ишлашингизни истаймиз. Ушбу сонда сизлар нафақат, Россияда содир бўлаётган, балки Тожикистонда ҳам содир бўлган янгиликлардан бохабар бўлишингиз мумкин.

Тожикистонда «Нолегал» тезкор тадбирини иккинчи босқичи бошланмоқда

Тожикистон Республикасида «Нолегал» тезкор тадбирини иккинчи босқичи бошланмоқда. Биринчи босқичи натижасида-республикадан 30 дан ортиқ ноқонуний меҳнат мухожирлари депорт қилиб юборилган. Душанбе шаҳри четида жойлашган заводда, мухожирлик хизмати ходимлари текширув тадбирларини олиб боришган.

Қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаяпмиз ва шу билан биргаликда бошқа вазифаларни ҳам бажармоқдамиз. Меҳнат, тиббий кўрикдан ўтказилиш ҳолатлари ва бошқа маиший шароитлар хабардор бўлиб туришимиз керак, чунки бу ерда мухожирлар билан биргаликда Тожикистон фуқаролари ҳам ишламоқдалар , -дейди Мухожирлик хизмати раҳбари ўринбосари Анвар Бабаев. Бу сафар барчаси ўз жойида экан. Ишчиларни рўйхати ва ишлаш рухсатномалари мавжуд экан. Бу цехда Хитойлик мухожирлар қонуний равишда ишлашмоқда.

Бироқ ноқонуний мухожирлар рўйхатини айнан хитойлик мухожирлар бошқариб боришмоқда. Улардан кейин Афғонистон, Туркия ва Эронлик мухожирлар туришибди. Йил бошидан бошлаб Мухожирлик хизмати ходимлари томонидан 200 дан ортиқ тезкор текширув тадбирлари амалга оширилди. 180 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. ИИВ, Мухожирлик Хизмати ва МХДҚ нинг барча кучлари жалб этилди. 117 дан ортиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари фош этилди. 33 нафар чет эл фуқароси давлат ташқарисига бадарға қилинди , – деб хабар берди Мухожирлик хизмати лицензиялаштириш бошқармаси бошлиғи Анвар Носиров.

Ҳозирги вақтда Тожикистонда 40 дан ортиқ давлат вакиллари меҳнат фаолиятини юритиб келишмоқда. Барча мухожирлар текширувда ўтказилади. Август ойида республикада «Нолегал-2012» тадбирининг иккинчи босқичи бошланади.

«Ижод куртаклари» кўрик танлови давом этмоқда

Азиз муштарийлар, мана бир неча ойдан буён, таҳририятимиз томонидан эълон қилинган «Ижод куртаклари» номли танлов давом этмоқда. Ҳамюртларимиз қаламига мансуб турли мавзулардаги ижод асарлари, шеърлар ва мақолалар, газетамизнинг ушбу саҳифаси орқали мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда. Иштирок этишни ҳоҳлаганлар, ўз ижод асарларини таҳририятимизнинг электрон манзилига йўллашлари мумкин. Демак навбатдаги иштирокчи билан танишамиз.

Маълумотнома: *Давлатова Нилуфар Назиржон кизи, 1979 йилнинг 25 январида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида таваллуд топган. Оилада 5 нафар фарзанднинг тўнгич фарзанди. Отаси Назиржон Хатамов- ҳисобчи, онаси – Хатамова Махсудахон- болалар шифокори. Ўз оиласи билан фахрланади. Айни вақтда 2 нафар фарзанднинг меҳрибон, оқила онажониси. Тақдир тақозоси билан, ҳозирги вақтда ватандан олисда, яъни Самара шаҳрида яшаб, фаолият юритиб келмоқда. Касби- жисмоний тарбия бўйича болалар мутахассиси. Ёшлигидан шеъриятга қизиқади. Бўш вақтлари турли мавзуларда шеърлар ёзиб туради. Эътиборингизга ҳамюрт шоирамизнинг шеърларини ҳавола этамиз.*

Синглим билан суҳбатдан

Синглим дер:«опа сиз билан борсаммикан,
Ўша ўрис юртини,бир кўриб қайтсаммикан?
Эшитдим ҳар қадамда,
Супер, гипер маркетмиш.
Унда бир жондан бошқа ,
Ҳар нима сотар эмиш.

Синглимга тикилдиму,
Ҳавасини кесмадим,
«Ҳа»дедиму гапига,
Мен кўшимча кўшмадим.

Индамасам сингилжон,
Тўхтамай сайраяпти,
Кайнаси қолиб, бирдан,
Эрини қайраяпти.

Эркаланиб: «Шунқорим,
Юринг биз хам борамиз,
Иш баҳона бир бирга,
Сайр қилиб қайтамиз»

«Ҳа бор»-дедим,«бир ишла,
Ўзга юртда бир қишла,
Нонни катта-ю, аммо,
Гапингни кичик тишла.

Сен ўйлаган шаҳарда,
Опанг эрта туради,
Ёзда кўча супурса,
Қишда қорин суради.

Аслини олганида,
Сенга ҳавасим келар,
Қайнамдан дуо олиб,
Хизматин қилгим келар.

Кўни – кўшни, қариндош,
Барчани кўргим келар,
Сабримга етмай бардош,
Соғинчдан ўлгим келар.

Сен айтган маркетларга,
Мен унчаям бормайман,
Ишлаш учун келганман,
Бу ишлардан ортмайман.

Асл шоколадлари,
Тандир нонга етмайди,
Соғинч ҳисси турганда,
Томоғингдан ўтмайди.

Эҳ, сингилжон ҳеч менга,
Бу кунлар ҳавас эмас,
Сен айтган сайрларга,
У ер Фарғона эмас.

Чиройли жойларига,
Ҳавас қилаверасан,
Ўхшатолмасдан лекин,
Ватан деяверасан!»

Соғинч

Мен баҳорни кўргим келяпти,
Мен баҳордай кулгим келяпти,
Боладайин ўксиган дилим,
Мен уйимга кетгим келяпти.

Пешайвонда тонг саҳарлари,
Саждага бош қўйгим келяпти,
Уйимга ўй курган қалдирғоч,
Хас-чўпларин тергим келяпти.

Тонгларингни соғиндим, Ватан,
Шомларингни соғиндим, Ватан,
Мусофирлик мусулмон қилган,
Ўзбекларни соғиндим Ватан!

Муштарийлар мактуби

Байрамингиз азага айланишини ҳоҳламасангиз, авто уловингизни маст ҳолатда бошқарманг!

Сиздан ўтиниб илтимос қиламан, менинг байрамона кайфиятимни бузманг! Илтимос, машинангизни маст ҳолатда бошқарманг! Озроқ ичиб олган бўлсангиз, одамлар билан айтишманг ва тортишманг! Сархуш бўлсангиз, босаётган ҳар бир қадамингизни ўйлаб босинг!

Бугун одамлардан бироз кўнглим қолди! Ачинарли ҳолатга тушган инсонларга (шу жумладан: етим болаларга, ҳечкими йўқ етим-есир, қарияларга, ногирон ва кўчаларда ташландиқ ҳолатга рўбаро бўлган умидсиз бева-бечораларга) камтарона ёрдамимни улашиб шуни англадимки, аксарият тан жароҳати олиш ҳодисалари автоҳалокатлардан келиб чиқар экан, шуни айтиб ўтиш жоизки, бу каби ҳодисаларга кўпинча, маст ҳайдовчилар сабабчидирлар. Эй биродарлар, ақлингизни йиғволинг, вақти келди! Бошқаларнинг орзу-умидларини ножўя ҳаракатингиз билан пучга чиқарманг! Юрагим фарёди жуда улкан ва чексизлигидан тарифлашга тил ожиздир.

Кечга яқин шифохона ёнидан ўтаётиб, у ерда даъволанаётган одамларга бироз ширинликлар ва озиқ-овқат таркатишга қарор қилдим. Сабабини билмадиму, лекин нимагадир мени қайта-жонлантириш (реанимация) бўлими ўзига тортди! У ерга киришим билан катта сумкани тиббиёт ходимлари олдига қўйиб, шифохонанинг бош ҳакимига сим қоқдим. Иш жойида эканлар, акамиз. Келдилар, кўришдик, сумкани бердим. Яна бир сумкадаги маҳсулотларни шикастланиш ва жарроҳлик бўлимидагиларга тарқатишларини илтимос қилдим. Сўнгра машинада бошқа беморларга аталган совға-саломли сумкани ҳам тушириб олишларини илтимос қилдим. Нуриддин ака, бир зумда барчасини ўз жойига қўйди. Бизлар бир-биримизни анча йиллардан бери таниймиз.

Бирдан қабулхона эшиги олдига тез-ёрдам улови келиб тўхтади. Замбил устида ҳаракатсиз бир кимса ётарди. Ваҳимага тушган бир неча одамлар замбилдан кейин ичкарига югуриб киришди.

Мен ҳайрон бўлиб ташқарига чиқдим, шифохона кириш дарвозаси олдида қимматбаҳо автоулов турган экан. Автоуловга суяниб бир неча одам нималарнидир мухокама килиб туришарди. Кутилмаганда ичкаридан бир йигит отилиб чиқиб, ҳалиги йигитларни чақира бошлади! Улар эса машинадан оёкларида туролмайдиган, ёши анчага бориб қолган бир одамни судраб чиқаришди. У одам оғзига карамай сўкиниб алжирар, уни ушлаб турган йигитларнинг қўлларидан ҳалос бўлишга ҳаракат киларди. Йигитлар эса уни судраганича бино ичкарисига олиб киришди. Ёқимсиз ҳолат! Нуриддин ака у одамга қараб, нафратини яширмади. Унинг айтишича охирги пайтларда бундай ҳолатлар кўпайганидан санағидан ҳам адашган, ҳар куни шу кабиларни кўравериб нафрат косаси тўлиб кетибти. Ақлсиз, калласига мия ўрнига сомон тиқилган ахмоклар эмас, балки ёши улуғ, баъзан эса обрўли ва нуфузли одамларку булар. Наҳотки ўзларига ҳайдовчи ёллай олишолмаса? Бироздан кейин ичкарида шовқин-сурон, қий-чув бошланиб кетди! Кириб қарасакки, ичкарида…

Ҳалиги одам ичкаридан югуриб чиқиб, қочишга интилди! Кўп ўйланмай, уни оёғимда чалиб юбордим, у ерга кулади. Қаранг-а, қилғилиқни қилиб қўйиб, қочмоқчи бўлганига нима дейсиз? Орқасидан ҳалиги йигитлар чиқиб, юзи қонга беланган қочоқни яна ичкарига судраб киришар экан, унга йўл-йўлакай нима қилиб қўйганини айтишарди. Ўша тобда у нима қилиб қўйганини англамаса керак деб ўйлайман, лекин ўзини ўта мастликка солиши ҳам мумкин-ку! Шахсан мен бундай одамларни зинҳор оқламайман.

Нуриддин ака билан хайрлашдиму, яна ўз ишларимга шўнғиб кетдим. Ростини айтсам, шу бугунни ўзида яна бир нечтасини юзини бўяшга тўғри келди, яна бир қанчасини эса, ҳуқуқни мухофаза қилиш идоралари ёрдамида, воқеа жойларидан тегишли идораларга етказилди.

Саид Аъзам Хабибуллаев

МЧЖ ХТ «Уздунробита» нинг мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича текширувлардавом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан МЧЖ ХТ «Уздунробита» нинг мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда. Олиб борилаётган тергов ҳаракатлари, шунингдек, жиноят ишига боғлиқ бўлган масалалар бўйича, айбланаётган Россия Федерацияси фуқароси Р.Даутовни Россия Элчихонаси вакиллари билан доимий алоқада бўлиб турганлиги, ва бошқа тергов ҳаракатларини ҳолати кенг ёритиб берилаётганлигига қарамасдан, хорижий матбуот хизматларида ҳозирги вақтга қадар жиноят иши бўйича тергов ҳолатлари борасидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш, нотўғри ахборот бериш давом этиб келмоқда.

Матбуотда айбланувчининг тумуш ўртоғини очиқ мурожаатномаси чоп этилган. Ушбу мурожаатномада, гўёки, тергов ҳаракатлари мобайнида ноқонуний ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисидаги, бир қанча уйдирма исбот-далиллар келтириб ўтилган. Шу жумладан, Даутов қўлга олинган вақтда, компания раҳбарлигида бир ҳафтадан кам муддат ишлаганлиги, қўлга олинганидан сўнг ҳуқуқий ҳимоядан маҳкум этилганлиги, у билан бирор бир алоқа мавжуд эмаслиги, зарурий кўрсатмалар олиш учун унга нисбатан руҳий ва жисмоний босим ўтказилаётганлиги, ва у жиноят ишини барча материаллари билан танишиб чиқиш имкониятига эга эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Даутов 2006 йилдан буён, компаниянинг топменежери ҳисобланиб, МЧЖ ХТ «Уздунробита» ни молиявий назоратчиси лавозимида фаолият юритган, унинг лавозимий мажбуриятларига компанияни молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тузиш, даромад ва ҳаражатлар назоратини ташкиллаштириш ва бошқа ишларни таъминлаш кирган.

Тергов ҳаракатлари жара ёнида Жиноий-процессуал қонунчилиги талабларига қатъий равишда сўзсиз амал қилинмоқда, Даутов ҳимоя ҳуқуқи билан тўлиқ таъминланган, ҳар бир тергов ҳаракатлари унинг адвокати иштирокида ўтказилмоқда, адвокатсиз ҳеч бир ҳаракат амалга оширилгани йўқ, тергов жараёнлари мобайнида улардан бирор бир шикоят ва эътирозлар тушгани йўқ. Даутов иштирокидаги тергов ҳаракатлари Россия элчихонаси вакиллари иштирокида амалга оширилмоқда, унинг қамоқда сақланиб турган жойига, дипломатлар ва ҳимоячилар ҳеч бир тўсқинликсиз ва чекланишларсиз ташриф буюришмоқда, уни қамоқда ушланиб турган муддати мобайнида, унинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида бирор бир шикоят ёки эътироз олинмаган. Шунингдек, айбланувчига турмуш ўртоғи билан телефон орқали суҳбатлашиш имконияти тақдим этилди. Суҳбат мобайнида Даутов ушланиб турган жойи шароитларига ва тергов ҳаракатларини олиб борилишига ҳеч қандай эътирози йўқлигини маълум қилган. Россия Федерациясининг Тошкентдаги Элчихонаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги орқали тергов ҳаракатларини бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор этиб турилибди. Даутов иштирокидаги барча тергов ҳаракатлари баённомалари унга ва унинг ҳимоячисига танишиш учун ўз вақтида тақдим этилган бўлиб, буни уларнинг имзолари ҳам тасдиқлаб турибди. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, жиноят ишини қолган барча ҳужжатлари билан, фақатгина дастлабки тергов ҳаракатлари якунланганидан сўнг танишиб чиқиш мумкин.

Аввал маълум қилинганидек, терговда йиғилган маълумотлар шундан дарак бермоқдаки, компаниянинг бошқарув бўғинида жиноий гуруҳ фаолият юритиб келган, бу жиноий гуруҳ қариндошлик принципларига асосан шаклланган бўлиб, унинг аъзолари томонидан солиқ тўланиши лозим бўлган базаларни пасайтириш, олиб кирилаётган қурилма ва материалларни қийматини ошириб кўрсатиш, «ноқонуний» даромадларни қонунга хилоф равишда нақд пулга айлантириш, лицензиясиз фаолият юритиш бўйича кўп сонли жиноий ҳаракатлар схемаларини ташкиллаштирганлар. Ҳозирги кунга келиб, ушбу шахслар томонидан етказилган зарарнинг умумий қиймати 700 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этади.

Шу тарзда, «Уздунробита» МЧЖ ХТ га нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатларини нотўғри ва бузиб кўрсатиш ҳолатлари давом этаётганлигини инобатга олган ҳолда, кенг халқаро жамоатчиликни ишни асл бориш жараёни тўғрисида ҳақиқий ва холисона равишда хабардор этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси

Меҳнат ҳақини тўланиши учун олиб борилган кураш

Газета таҳририяти мухожирлар ҳуқуқини ҳимоя қилмоқда

Ҳурматли муштарийлар, бизни кўпчилигимиз ўз ҳаёт йўлимизда ноинсоф иш берувчилар билан ҳеч бўлмаганда бир маротаба бўлса ҳам, тўқнаш келган бўлсак керак. Шу жумладан, газетамиз таҳририятига ҳам, кўплаб мухожирлардан тез-тез шикоятлар келиб тушади. Уларнинг аксариятида, меҳнат мухожирлари меҳнат шартномаси тузмасдан ишга жойлашиб, ўз вазифаларини виждонан бажарадилар, бироқ, охир-оқибат иш берувчи-бошлиқ меҳнат қилган мухожирга маош беришдан бош тортиб, фирибгарлик йўлига ўтиб олади. Аввалги сонларимизда, биз бундай товламачи ва фирибгарлардан қандай ҳимояланишни баён этган эдик. Эндиликда эса, таҳририятиз ходимлари бундай масалаларни ўзлари ҳал этишга ҳаракат қилишмоқда. Аввалги сонимизда аниқ бир ҳаётий мисолни келтириб ўтган эдик, бу сонимизда ҳам худди шундай ҳодисалардан бирини сўзлаб берамиз.

Азиза Тўхтаева – Қарши шаҳрида таваллуд топиб, вояга етган. 2011 йили Санкт-Петербург шаҳрига ишлаш мақсадида келган. Ўтган йилнинг октябрь ойида қимматбаҳо оёқ кийимлари тикадиган чет эл корхоналаридан бирига тикувчи бўлиб ишга жойлашади. Бу қиз бир неча ой мобайнида ушбу корхонада дам олиш кунларисиз, ҳалол меҳнат қилади. Шу тарзда 2012 йилнинг март ойига қадар ишлайди.

Азизани энг асосий муаммоси бу-иш берувчи ташкилот билан меҳнат шартномаси тузмаганлигидир. Барча иш шароитлари ва тўловлар оғзаки равишда келишилган эди. Азиза иш берувчини фақатгина ҳалоллигига умид боғлаган. Бироқ, шундай бўлиб чиқдики, уни алдайдилар. Иш муддати якунига етганида, ташкилот раҳбари Азиза 2012 йилнинг январь ва февраль ойлари учун маош тўлашдан бош тортади. Бунинг сабаби, ташкилот айни вақтда молиявий қийинчиликларни бошидан кечиряпти деб тушунтирадилар ва қийинчиликлар ўз ечимини топиши биланоқ маошини тўлашга ваъда берадилар. Бироқ бу тушунтириш унга, бироз антиқароқ туюлади, чунки бу ташкилот жуда қимматбаҳо оёқ кийимлари ишлаб чиқариб, бундан катта даромад олар эдилар. Азиза икки ойлик маоши эса, бундай бой ташкилот учун дарёдан бир томчидек эди холос.

Мушкул вазиятларда инсон ёлғиз қолмаслиги керак

Иш берувчининг чек-чегарасиз ёлғон ваъдалари ва сурбетликларидан чарчаган Азиза, 2012 йилнинг апрель ойида «Турон» газетасига ёрдам сўраб мурожаат қилади. У таҳририят офисига ташриф буюриб, бош мухаррирга ўз муаммосини баён этади. Бош мухаррир ҳуқуқий масалалар бўйича мутахассис Элёр Таштемировга ушбу иш билан шуғулланишни топширади. Ҳуқуқшунос Элёр Дилшодович ўз навбатида, Азиза билан суҳбатлашиб, вазиятга тўлиқ ойдинлик киритганидан сўнг, Азиза ишлаган ташкилот раҳбарига қўнғироқ қилади ва Азизани ойлик маоши тўланмаганлик сабабини суриштира бошлайди. Ташкилот раҳбари билан суҳбат мобайнида Элёр Дилшодович унга тушунтириб ўтадики, агарда чет эл фуқаросини ишга олаётган бўлса, ушбу фуқаро билан, албатта ёзма меҳнат шартномаси тузиши шартлигини ва Федерал миграцион Хизматини ёзма равишда хабардор этиши лозимлини тушунтиради. Қонун билан белгилаб қўйилган бу тартибни бузганлик учун жуда катта миқдорда жарима белгиланганлигини маълум қилади. Бундан келиб чиқиб, иш берувчи ташкилот Азизани ёзма меҳнат шартномасиз ишга олаётган вақтга қонунни бузган экан. Бунинг устига, у ҳалол меҳнат ҳақини тўлашдан бош тортган.

Аввалдан тузилмаган меҳнат шартномаси бу – алданиб қолиш гаровидир

Суҳбатдан сўнг ташкилот раҳбарини Таштемировнинг сўзлари бироз хавотирга солиб қўйган шекилли, ёки Маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодексида содир этган ҳуқуқбузарлиги учун белгиланган жарима миқдорини кўрган шекилли, анча хавотирга тушиб қолади. Ҳар қалай ташкилот раҳбари Россия қонунларини яхши биладиган ва мухожир ҳуқуқларини охиригача ҳимоя қиладиган ҳуқуқшунос билан суҳбатлашганини англаб етади. Келаси куни Азизага қўнғироқ қилиб, ташкилот офисига таклиф қиладилар ва қолган 24 минг рубл иш ҳақини берадилар.

Янги уфқ

Шу тарзда, ўз ҳамюртлари орқали Азиза, бажарган ҳалол меҳнати ҳақини олишга муяссар бўлади. Айни вақтда у нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикасида фаолият юритмоқда. Бошига тушган ҳолат унга катта дарс бўлди, ва иш берувчилар билан ўзини тутиш қоидаларини билиб олди. Шу боисдан ҳам, янги ташкилотга ишга жойлашишдан аввал, у билан меҳнат шартномаси тузишларини қатъий равишда сўрайди. Иш берувчи ташкилот ҳеч бир эътирозсиз у билан меҳнат шартномасини имзолайди. Бу ҳужжат унинг ҳар ойда маошини ўз вақтида олиши учун кафолат эканлигини тушуниб етади. Маошдан кўнгли тўқ. Чунки ҳар бир ҳаракат қонунга мувофиқ бўлиши керак.

Агарда Азизани яна бир алдашга уриниб кўрсалар, у ҳеч иккиланмай шартнома билан ҳуқуқни мухофаза қилувчи идораларга ҳамда «Турон» газетаси таҳририятига мурожаат этиши мумкин.

Бундан ташқари, айни вақтда Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди ҳам ўз фаолияти бошлади.

Марина Мельник

Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди манзили: «Пролетарская» метро бекати, Обуховская оборона проспекти, 116-чи уй, 26 офис (арка орқали кирилади, «Кард Экспресс» ёзувини мўлжал қилинг).

Телефон: (812) 309-73-06. Иш вақти: 10.00 – 18.00 (душанба-жума)



Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда мослашув мобайнида қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда. Сизларни рус тилида сўзлашмасангиз ҳам тушунадилар!

Келинглар! Қуйидагиларни амалга оширишда сизларга кўмаклашамиз:

- россияда қонуний истиқомат қилиш учун барча зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришда
- қонуний ишга жойлашишда
- ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда
- турар-жой топишда
- тиббий ёрдам олишда

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- рус тили бўйича машғулотлар
- кредит олишда ёрдам
- ҳайрия тадбирлари
- маданий тадбирлар
- ўқув анжуманлари

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: “Пролетарская” метро бекати, Обуховская оборона пр-ти, 116-уй, 26-чи офис (арка орқали кирилади, “Кард Экспресс” ёзувини мўлжал қилинг)

Телефон: **(812) 309 73 06** Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5 % қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати.

Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ